

ЛОЙИҲАНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Каримова Зарифа Комиловна

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси 2-босқич
магистранти**

Аннотация: Мақола давлат бошқаруви тизимида лойиҳаларни бошқаришни самарали усулда амалга оширишда эришиладиган натижар. Жумладан: жамоа самарадорлигини ва мутахассиларнинг билим савияси даражасини ошириш, тўғри одамларга тўғри вазифаларни белгилаш, узлуксиз мониторинг кузатув тизимини йўлга қўйиш, хафларни муаммога айланишидан олдин аниқлаш, Agile ва Scrum методологияларидан фойдаланган ҳолда лойиҳани амалга оширишда қандай натижаларга эришиши мумкинлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Калит сўзлар: *Лойиҳавий бошқарув тизими, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, яратиш ва модернизация қилиш, хатарларни самарали бошқариш, стратегия, самарали ва сифатли, ҳаражат ва чекловлар, бюджет харажатлари, Agile ва Scrum.*

Лойиҳаларни бошқаришда асосийси, давлат муассасаси ёки лойиҳанинг барқарорлиги эмас, балки ички ва ташқи шароитларни ўрганиш билан боғлиқ ҳаракатлар ва ўзгаришларни узлуксизлигидир. Ҳозирги кунда мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давоми сифатида «Ўзбекистон-2030» Стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

Лойиҳаларни бошқариш нима? Бу лойиҳани бошлаш, режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ёпишни белгилайдиган ҳаётий интизом ҳисобланади.

Бу вақт, ҳаражатлар ва чекловларга эътибор қаратган ҳолда ресурслардан самарали фойдаланиш стратегик мақсадларга мувофиқлигини таъминлайди. Лойиҳаларни самарали бошқариш аниқ режалаштириш, ишончли ижро этиш, доимий мониторинг, ресурслар ва ҳаражатларни стратегик бошқариш ва барча манфаатдор томонлар билан эҳтиёткорлик билан боғланишни ўз ичига олади. Бундан ташқари операцияларни оптималлаштирадиган ресурслардан фойдаланишни

максимал даражага кўтаради, жамоавий ҳамкорликда ишлаш қобилиятини оширади шу билан бирга қарорлар қабул қилиш жараёнларида барча томонларнинг ишларини енгиллаштиради. Раҳбарият томондан қўйилган стратегик мақсадларни амалга оширишда белгилаб қўйилган қаттиқ муддатлар

ва бюджет харажатлари доирасида лойиҳаларни самарали бошқариш орқали ушбу қийинчиликларни ўз вақтида енгиб ўтишга ва рақобатбардош бозорда давлат органлари учун маҳсулдорлик, яхши натижалар ва рентабелликни оширишга эга бўлишни таъминлайди.

Лойиҳаларни самарали бошқаришда аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалалардан баъзи бирларига тўхталиб ўтсак. Булар:

- Биринчидан лойиҳани самарали бошқаришни давлат органларининг ўсишига таъсири, авваламбор **жамоа самарадорлигини ва мутахассиларнинг билим савияси даражасини ошириш** ҳамда лойиҳани самарали бошқаришда ҳар бир мутахассининг ўрни ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш орқали иш фаолиятини сезиларли даражада яхшилади. Бу эса ўз навбатида ортда қолиш ва тушунмовчиликлар туфайли юзага келадиган хатоликларни бартараф этади, натижада лойиҳа сифати яхшиланади ва янада самарали яқунланади.
- Иккинчидан лойиҳани самарали бошқаришда қўйилаган мақсадларга ўз вақтида ва сифатли эришиш учун муҳим бўлган вазифалардан бири, бу: ўз малакаси ва тажрибаси асосида **тўғри одамларга тўғри вазифаларни белгилаш** орқали инсон ресурсларини оқилона бошқариш ва уларнинг иш фаолиятини максимал даражага ошириш учун самарали режалаштиришни ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида кераксиз харажатларни камайтириб, ишлатилаган ресурсларнинг самарадорлигини ошириш орқали инвестициялар умумий даромадини оширади.
- Учинчидан лойиҳани **узлуксиз мониторинг кузатув тизимини йўлга қўйиш** орқали, лойиҳа раҳбарларининг реал вақт режимида иш жараёнларини кузатиш, ва муаммоларни аниқлаш имконини беради. Натижада ўз вақтида бартараф этилган муаммолар сабабли, ресурс ва маблағларнинг тежаб қолиш имконини оширади.
- Тўртинчидан, потенциал **хафларни муаммога айланишидан олдин аниқлаш** лойиҳани бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Хатарларни самарали бошқаришда учраши мумкин бўлган тузоқларни ёки кечикишларни баҳолашда юмшатиш стратегиясини



ишлаб чиқишни, ҳамда ўз вақтида қўшимча ишлаб чиқилган режалар орқали лойиҳаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Лойиҳаларни бошқаришда лойиҳа раҳбарлари ва иштирокчилар бевосита манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқада бўлишлари масалани ҳал қилишда уларнинг эҳтиёжлари ва кузланган мақсадларини самарали ва ортиқча ҳаражатларсиз амалга оширишга олиб келади. Олимларнинг фикрига кўра ананавий бошқарув методологиясига қараганда мослашувчанлик методологиялар орқали лойиҳаларни амалга ошириш тезкор қарорлар қабул қилиш, режаларни мослаштириш ва лойиҳа миқёсидаги ўзгаришлар ёки мақсадларга жавоб бериш учун мослашувчанликни таъминлаши мумкин. Ҳозирги кунда лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали яқунлаш мақсадида *Agile* ва *Scrum* каби лойиҳаларни бошқариш методологияларидан кенг қўлланиб келинмоқда. Айниқса *Scrum* узинг мослашувчанлиги йўқори эканлиги ва спринтлар орқали интератив ривожланишга йўналтирилганлиги туфайли лойиҳаларни бошқаришда машҳур ҳисобланади. Ушбу методологиялар фикр-мулоҳазаларга ва узгарувчан шароитларга асосланган тезкор тузатишларга ёрдам беради, доимий такомиллаштириш ва мослашувчанликни таъминлайди шу билан бирга самарадорликни оширади.

Адабиётлар шарҳи

Қандай қилиб лойиҳаларни бошқаришда тизимни самарали жорий этиш, давлат бошқарув органлари ва компанияларнинг ўсишига жадал таъсир этиши мумкинлиги борасида олимларнинг фикрлари ўрганиб чиқилганда айниқса Клаус Шваб томонидан ёзилган “Тўртинчи саноат инқилоби технологиялари” китоби мақтовга сазовор деб ҳисоблаймиз. Бир қатор тадқиқотчи олимларнинг таърифига кўра, лойиҳа мақсадли, режалаштирилган ва олдиндан тараддуд кўрилган, моддий объектлар, технологик жараёнлар, улар учун техник ва ташкилий ҳужжатлар, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа турдаги ресурслар, шунингдек уларни амалга ошириш тўғрисидаги бошқарув қарорларини *яратиш ёки модернизация қилишдир*. Бошқа бир тадқиқот муаллифи эса лойиҳани муайян вазиятларни, мавжуд чекланган ресурсларни ҳисобга олган ҳолда, олдиндан ишлаб чиқилган ноёб ва мураккаб ҳаракатлар жараён ва процедуралар тўплами сифатида тавсифлайди. А.В.Тебеткин ва И.Л.Сурат сингари олимлар эса «лойиҳа» атамаси кўп маъноли тушунча бўлиб, инсон фаолиятининг кўплаб соҳаларининг турли жараёнларни тавсифлашда кенг қўлланилади, деб ҳисоблашади.

Кўпгина тадқиқотчи олимлар, лойиҳавий бошқарувни «Лойиҳанинг мақсадига самарали эришиш учун, бошқарувнинг замонавий усул, техника ва технологиялар тизимини қўллаш орқали лойиҳанинг бутун ҳаётини даври



давомида инсон ва моддий ресурсларни ташкиллаштириш, режалаштириш ва мувофиқлаштириш методологияси» сифатида тушунилиши лозим деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, М.М.Кораблев «лойиҳаларни бошқаришнинг назарий ва услубий ёндошувларини ўрганиш илмий ҳамжамият вакилларида лойиҳавий бошқарувни аниқ бир натижага йўналтирилганлиги ҳақида аниқ тўхтамга келишларига имкон беради» дейди. Муайян лойиҳа учун ресурсларни тақсимлаш ва бошқарув тизимини барпо этиш натижаси учун бошқарувнинг юқори даражадаги жавобгарлигини юзага келишини англатади ва иерархик маъмуриятнинг асосланмаган босимини минималлаштиради. Ривожланган хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти органлари фаолиятида лойиҳавий ёндашув жуда фаол қўлланилади.

Лойиҳаларни бошқариш халқаро ассоциациясининг маълумотларига кўра, лойиҳаларни бошқариш учун замонавий методология ва воситалардан фойдаланиш вақтнинг 20-30 фоизини ҳамда лойиҳа ва дастурларга сарфланган маблағнинг

15-20 фоизини тежашга имкон беради. Бу бизга лойиҳавий бошқарув ҳам, дастурий-мақсадли бошқарув ҳам компания ва ташкилотларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун самарали восита, деб ҳисоблашга имкон беради.

Хулоса:

Хулоса урнида шуни айтиш мумкинке, лойиҳаларни самарали бошқариш жадал риволанаётган бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ташкилот ва корхоналарнинг ўсиши ва мувофақияти учун жуда муҳимдир. Бунда: ривожланган мамлакатлар экспертлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларни ўрганиш, лойиҳа иши бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳани бошқаришда мақсадни аниқ белгилаб, стратегик режалаштириш ҳамда замонавий усулларда техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4749-сон фармони, 2017 йил 7 февраль;
3. Agile-методологии внедряются в работу госсектора. Электронный ресурс: <http://ac.gov.ru/events/08816.html> (дата обращения 18.06.2018 г.).



4. Ревин Д. Ю. Использование проектного подхода к управлению в России / Ревин Д. Ю., Зеленский П. С. // Актуальные проблемы авиации и космонавтики. – 2010 г. – Т. 2. – № 6. – стр. 120.

5. Зиядуллаев Н., Фридлянов М. Современныэ стандарты проектного управления //Стандарты и качество. Проектный менеджмент. — 2017 г. № 8 (962)

6. Клаус Шваб, Технология Четвертой промышленной революции. Бомбора, 2022 г.